ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 4 июнь, сешанба № 67 (1643). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 4 июня, 2002 год № 67 (1643). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Бугун халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қўйилган масала ҳақида ҳаммангиз хабардорсиз.

Айтиш мумкинки, бу масала кун тартибида тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Навоий вилоятидаги бугунги аҳвол, иқтисодий-ижтимоий вазият тобора кўпайиб, кескинлашиб бораётган, одамларимизнинг кайфиятига салбий таъсир қилаётган муаммолар — буларнинг барчаси ушбу сессия кун тартибига қўйилган масала билан бевосита боғлиқ, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам асосий масалага ўтишдан олдин сизлар билан мана шу муаммолар ва бундай вазиятни келтириб чиқараётган сабаблар ҳақида атрофлича фикрлашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада илгари Бухоро вилояти таркибида бўлган бу ҳудудда янги Навоий вилоятининг ташкил қилинишини, бундай қарорга келишда қандай эзгу мақсад ва орзу-умидлар кўзда тутилганини бир карра эслаб олсак, менимча, ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, ҳамманинг кўз ўнгига, аввало, бу воҳада мавжуд бўлган ер усти ва ер ости бойликларининг улкан ва ноёб захиралари келади.

Маълумки, бу саховатли заминда юздан ортиқ фойдали қазилма конлари аниқланган.

Чиндан ҳам, Оллоҳ назари тушган бу тупроқда олтин ва кумуш дейсизми, уран ва вольфрам дейсизми, норуда ва кимёвий хомашёлар дейсизми, мармар ва гранит дейсизми — бундай нодир бойликларнинг барчаси бор.

Шу маънода, Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу ердаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва захиралари нуқтаи назаридан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мурунтов, Довгизтоғ, Кўкпатас, Омонтойтоғ каби олтин конлари, Қизилқумдаги фосфорит кони мамлакатимиздан олис-олисларда ҳам яхши маълум.

Бу маълумотлар, албатта, оддий мутахассисларга ҳам аён, лекин воҳанинг иқтисодий салоҳиятига бошқа манбалар, айтайлик, замонавий аэрокосмик ва геодезия техникаси орқали олинган маълумотларга асосланиб баҳо берадиган бўлсак, унинг бағрида яна қанчақанча табиий бойликлар, ноёб захиралар яширинib ётганига, уларнинг ҳажми ва кўлами эса стратегик жиҳатдан истиқболли эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, бу вилоят ўзининг иқтисодий салоҳиятига кўра алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиши учун барча асослар бор эди ва шуларни ҳисобга олиб, бундан йигирма йил муқаддам бу ерда Навоий вилояти ташкил этилган эди.

Афсуски, совет тузумининг сўнгги йилларида айрим калтабин раҳбарларнинг собиқ Марказга яхши кўриниш ниятида олиб борган сиёсати туфайли шундай улкан имкониятларга эга бўлган вилоят тугатиб юборилган эди.

Биз 1992 йилда бу воҳанинг беқиёс салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг табиий бойликларини Ватанимиз тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида хизмат қилдириш мақсадида, шу ерда яшайдиган одамларнинг келажагини ўйлаб, Навоий вилоятини қайтадан ташкил этганимиз, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам, тарихий нуқтаи назардан ҳам, ўйлайманки, адолатли иш бўлган эди.

Гарчи Навоий вилоят сифатида нисбатан ёш бўлсада, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу воҳа ўзининг узоқ тарихига, кўҳна илдиз томирларига эга.

Бунинг исботини шу заминда азалдан мавжуд бўлиб келган Кармана шаҳри, Работи Малик, Нурота каби қадимий манзиллар, Тошмасжид, Чилустун, Кўкгумбаз каби обидалар, Қосим шайх, Ориф Деҳгароний каби азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари мисолида кўришимиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг барчаси бу ерларда асрлар давомида ўтроқ бўлиб, шу тупроқда илдиз отиб, унга садоқат билан меҳру муҳаббатини бахш этган фидойи, ғурури баланд инсонлар яшаганидан далолат беради.

Албатта, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу заминнинг тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин биз вилоятнинг бугунги куни, бу ҳудудда яшайдиган одамларнинг ҳозирги ҳаёти, вилоятнинг истиқболи тўғрисида кўпроқ бош қотиришимиз, қайғуришимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма корхонаси, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» бирлашмалари, «Электрохимзавод» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз саноатининг фахри саналади.

Энг муҳими, бу саноат корхоналарининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзимизда катта захиралари бўлган маҳаллий хомашё ва шу билан бирга, замонавий технологиялар асосида ишлайди. Демакки, бу корхоналарнинг истиқболи ва келажагига ишончли кафолат бор, деб айта оламиз.

Шуни ғурур-ифтихор билан таъкидлаш керакки, нисбатан қисқа — 30-35 йиллик тарихга эга бўлган бу корхоналарда моддий бойликлар яратиш билан бирга, оғир чўл шароитида тобланган, кўпмиллатли аҳил меҳнат жамоалари шаклланди, юқори малакали муҳандис ва ишчиларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди.

Ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнати билан бугунги кунда вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металларнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда. Бу кўрсаткичлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Лекин бугунги кун бизнинг олдимизга йирик, ўта муҳим масала ва вазифаларни қўймоқда. Корхоналаримизни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёларни кўпроқ ва кенгроқ ишлатиш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, айни вақтда харидоргир бўлмаган маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини қисқартириш сингари долзарб вазифаларни ўз вақтида ҳал эта олмаганимиз ишимизнинг пировард натижаларига бугун салбий таъсир ўтказмоқда.

Энг муҳими, ана шу корхоналар ва ташкилотларда ишни замонавий усулда ташкил қилиш, ишчиларни рағбатлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ўз вақтида ечиш ҳозирги пайтда долзарб вазифага айланиб қолмоқда.

Вилоятда бугун чет эллик шериклар билан тузилган 25 та қўшма корхонадан атиги 8 таси саноат соҳасида фаолият кўрсатаётгани, табиийки, бизни қониқтирмайди.

Ўтган йилнинг ўзида 5 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қариб 3 миллиард сўмга камайгани, 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёслаганда, 25 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига йўл қўйилгани, ҳозирги кунда корхоналар омборларида 14 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай ётгани ҳам шундан далолат беради.

Бунинг натижасида ваинки вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам қанчалик зарар етишини тушунтириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРИДА ЁЗГИ ЎҚУВ МАВСУМИ «ВАТАНГА САДОҚАТ, КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА ИНТИЗОМЛИЛИК — ҲАР БИР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ БУРЧИ ВА МАЖБУРИЯТИДИР» ШИОРИ ОСТИДА БОШЛАНДИ.

Аскарлар руҳини кўтариб

Ўтган шанбада бошланган ёзги ўқув мавсумининг биринчи куни аскарлар хотирасида эсда қоларлик воқеа сифатида сақланиб қолиши учун қисм ва бўлинмалар тарбиячи-офицерлари тинмай изланиши табиий. Масалан, офицер Ғайрат Жуманиёзов сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада бунга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Яъни — ёш аскарларга қурол-аслаҳа ва жанговар техникани бириктириш маросими. Ёзги ўқув мавсуми бошланиши арафасида бутун жамоа саф тортди ва қисм командири аҳил оиланинг янги аъзоларини Ватан уларга қурол бериб, ўз ҳимоясини топшираётган кун билан қутлади.

Бирма-бир саф олдига чиқаётган ёш аскарларга тегишли қуролларини — автомат, пулемёт, граната-мёт ва бошқаларни қисм командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари подполковник Очил Ҳожиев тантанали равишда топширди ва бу қуролни асраб-авайлаб, унинг сир-синоатини ўрганишда яхши натижаларга эришишни тилаб қолди.

Баҳорги чақириқда келиб қўшилган аскарлар қисм командири қўлидан ҳарбийлигини тасдиқлайдиган яна бир нишон — янги погонларни қабул қиларканлар, офицернинг ёш ватандошларига мурожаат қилиб: «Энди бу ҳарбий либосга, погонларга муносиб бўлишларингиз керак», — деган тилаклари кучига куч бағишлади.

Тантана якунида қисм штаби бошлиғи майор Руслан Жумаев ёш аскарларга жанговар техникани бириктириш тўғрисида командирнинг буйруғини ўқиб эшиттирди.

Майор А. КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Самарқанд гарнизони.

ТАНТАНАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ёзги ўқув мавсумининг бошланиши муносабати билан подполковник М. Каримов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник А. Муинов очди. Сўзга чиққан Шимоли-ғарбий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони подполковник В. Маҳмудов шахсий таркиблинг янги ўқув мавсумида бор куч ва маҳоратларини ишга солишлари, ўқиб-ўрганишлари шартлигини таъкидлар экан, уларни мавсумни аъло натижалар билан якунлаб, илғорликни қўлдан бермасликка даъват этди. Сўнгра подполковниклар — Ш. Тўхтаев, О. Ражабов, М. Каримов, майор Ш. Суванов, катта лейтенант Ф. Сабуров, шартнома бўйича хизмат старшинаси О. Турдимов ва оддий аскар Ш. Нормуродовлар шахсий таркиб ёзги ўқув мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, яхши натижаларга эришишларига ишонч билдирдилар.

Тадбир сўнгида шахсий таркиб минбар олдидан тантанали марш билан саф тортиб ўтишди ва ўқув жойларига тарқалишди.

Ёзги ўқув мавсуми ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти билан бошланиб, уни округ қўмондонининг биринчи ўринбосари — Нукус гарнизони бошлиғи подполковник О. Ражабов олиб борди. Машғулотда минтақамиздаги вазият, жаҳонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳам батафсил гапириб ўтилди. Бошқа машғулотлар ҳам белгиланган ўқув режаси асосида давом этди.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси А. АРЗИЕВ,
Нукус гарнизони.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти ҳайдовчи-инструктор Ҳасан Йўлдошев ёзги ўқув мавсумига жиддий ҳозирлик кўрди. Шунинг учун ҳам илк машғулотларданоқ у юқори натижаларга даъвогарлик қилмоқда.

— Бугунги кунда кичик командирлар зиммасига катта талаблар қўйилмоқда. Агар у маҳоратини мунтазам ошириб бормаса, аскарларга намуна бўла олмаса, ортда қолади. Барча машғулотларга бирдек масъулият билан ёндашиш эса, шубҳасиз катта ютуқлар сари элтади, — дейди кичик сержант Ҳ. Йўлдошев.

К. ТЎРАЕВ олган сурат.

С БОЕВЫМ НАСТРОЕМ

Как и во всех частях Министерства обороны, в нашем подразделении начался летний период обучения. С большим настроем взялись за учебу мои сослуживцы рядовые Мухаммад Омонбоев, Бахтиер Гулов, которые в прошедшем периоде чуть-чуть не дотянулись до звания отличников. Подвели четверки по физической и технической подготовкам. Это отразилось на общем результате. В летнем же периоде рядовые Гулов и Омонбоев твердо решили стать отличниками.

Не снижая темпа, уверенной поступью брать новые высоты боевого мастерства настроились и лидеры соревнований, опытные воины и отличные специалисты рядовые Музафар Бахаутдинов, Зариф Эсшанов, Жахонгир Муйдинов, Умиджон Боморатов.

— Наш расчет из-за одной четверки в прошлом периоде занял второе место, — говорит командир расчета младший сержант Фазлиддин Хамраев. — Но в летнем периоде обучения у нас служба и освоение воинской специальности поставлены иначе. И я с уверенностью, веря в боевой настрой своих подчиненных, могу заявить, что мы поднимемся выше еще на одну ступеньку.

Рядовой Б. АКРАМОВ.

Илк машғулотлар бошланди

Ёзги ўқув мавсуми подполковник Мавлон Юнусов командирлигидаги алоқачилар қисмида ҳам катта тантаналар билан бошланди.

Офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар, аскарлар майдон узра саф тортган ҳолда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари — полковник Александр Шавинский, майорлар — Ислом Иноятов, Зокир Дўстматов ва Олег Расуловларни кутиб олдилар.

Қисм командири ва Тарбиявий ишлар бош бошқармаси бўлим бошлиғи майор И. Иноятов шахсий таркибни ушбу тантанали кун билан табриклар эканлар, ҳарбий жамоа аъзолари ўқув мавсумида фаол иштирок этиб, билим ва маҳоратларини янада оширишларига ишонч билдиришди.

Офицерлар номидан лейтенант Нурали Обидов, аскарлар номидан оддий аскар Бунёд Очилов, ёш аскарлар номидан Зафарбек Маҳмудовлар сўзга чиқиб, мартабали меҳмонлар ва устоз офицерларга билдирилган ишончни оқлаб, мавсумни фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар билан якунлашга ваъда беришди.

Тантана сўнгида шахсий таркиб оркестр садолари ва Жанговар байроқ остида минбар ёнидан шаҳдам қадамлар билан юриб ўтдилар.

Қисм шахсий таркиби учун ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича илк машғулот қисм клубида бўлиб ўтди. Полковник А. Шавинскийнинг минтақамиздаги ва республикамиздаги ҳарбий-сиёсий вазият, ҳарбий ислоҳотлар жараёни ҳақидаги қизиқарли маърузаси ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Машғулотнинг иккинчи қисми бўлинмаларда давом этди. Командирлар ўз қўл остидагиларга бугунги кун талаблари, ҳар бир ҳарбий хизматчи учун долзарб вазифалар хусусида атрофлича тушунча беришди.

Устоз командирлар жанговар машиналар паркида техника хавфсизлиги, махсус алоқа воситалари ва қурол-аслаҳалардан фойдаланиш бўйича илк кўргазмали машғулотлар ўтказдилар. Шу куннинг ўзида ёш аскарларга тантанали равишда қурол-аслаҳалар бириктирилди.

Капитан Н. АЗИМОВ,
Тошкент гарнизони.

СУРЪАТИ БАЛАНД

Подполковник С. Шарипов командирлигидаги қисм посбонлари ёзги ўқув мавсуми машғулотларини юксак жанговар руҳ билан бошлашди. Кўзланган марра аниқ бўлса, тайёргарликлар талаб даражасида бўлса, машғулотларга ишонч билан киришилади-да. Ҳа, саф, ижтимоий-сиёсий, тактика каби мавсумнинг илк машғулотларидаги натижалар ана шундан дарак.

Янги мавсумнинг бошланишига бағишланган тантанада Мудофаа вазирлигининг масъул ходими майор М. Мўминов, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи вакили подполковник Н. Халилов, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т. Бекқўлатовлар иштирок этишиб, она-юрт ҳимоячиларига муваффақиятлар тилашди.

— Посбонларимиз олдида турган асосий вазифалар жанговар шайлик, касбий маҳоратни янада оширишга уйғунлашади. Ўтган ўқув мавсумидаги хато, камчиликлар таҳлил қилиниб, хулосалар чиқариб олинган. Ишонаманки, ёзги ўқув мавсумида олдимизга қўйилган барча жанговар вазифаларни юксак даражада адо этамиз. Бунинг учун жамоамиз посбонларида билим, тайёргарлик етарли, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник А. Тожиев.

Иш суръати унга қандай кайфиятда киришишга ҳам боғлиқ. Демак, мазкур жамоада тез орада жанговар ютуқлар бўй кўрсатишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.
Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Н. ОРИПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — АЛОҚА ВА АХБОРОТ-ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ РАҲБАРИ — ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдулла Нигматович Орипов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари комплексининг раҳбари — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бош директори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан бахраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

(Давоми 2-бетда).

ДО ВСТРЕЧИ, ПРАЗДНИК ЮНОСТИ И СПОРТА!

Всю неделю над Центральным стадионом Бухары горел факел «Универсиады-2002». Десятки полностью реконструированных и новых, только что построенных в области крупных спрткомплексов, залов и площадок стали местом проведения вторых республиканских студенческих спортивных игр. Они были организованы Министерством высшего и среднего специального образования совместно с Госкомспорта, Национальным олимпийским комитетом, Советом Федерации профсоюзов Узбекистана и хокимиятом Бухарской области. Соревнования проводились по 12 видам спорта — баскетболу, волейболу, футболу, кортовому и настольному теннису, легкой атлетике, шахматам, курашу и бельбоги-курашу, дзюдо, гандболу и плаванию. В них участвовало 2368 юношей и девушек, составивших в общей сложности 16 команд — по одной от каждой области, Каракалпакстана и трех, представлявших столичные вузы Узбекистана.

Нынешняя Универсиада превратилась в настоящий праздник юности и спорта, охвативший всю студенческую молодежь страны. В отборочных соревнованиях, предварявших финал в Бухаре, состязалось около 200 тысяч спортсменов из 61 высшего учебного заведения. Универсиада стала ярким примером действенности созданной в республике по инициативе Президента Ислама Каримова трехступенчатой системы массового привлечения подрастающего поколения к занятиям физической культурой и спортом. В ее рамках также проводятся спортивные игры школьников «Умид нихоллари» и учащихся профессиональных лицеев и академических колледжей «Баркамол авлод». Примером большого интереса, который проявляется сегодня во всем мире к изучению этой системы, стал приезд в Бухару на заключительные соревнования Универсиады представителей почти 50 государств. Их трансляция осуществлялась на 30 стран.

Руководство Узбекистана в ходе реализации Национальной программы по подготовке кадров всемерно поддерживает развитие массового молодежного спорта, которое возведено в ранг государственной политики. С первых дней независимости огромное внимание уделяется воспитанию поколения, гармонично развитого и духовно, и физически.

(Окончание на 3-й стр.).

НОВОБРАНЦАМ ВРУЧАЮТ ОРУЖИЕ

В череде воинских ритуалов этот по праву занимает второе место после Военной присяги — именно торжественное закрепление за новобранцами оружия и боевой техники дает им возможность в полной мере осознать себя членами воинского коллектива.

Рядовому Джахонгиру Кувонову из подразделения обеспечения учебного процесса СВВАКИУ это событие запомнится на всю жизнь — за день до начала летнего периода обучения всем новобранцам были вручены автоматы, а назначенным на должности водителей показаны вверенные им автомобили. Конечно, прежде чем самостоятельно выехать в рейс, военным водителям предстоит пройти курс доподготовки, но уже само доведение до них приказа о закреплении оружия и техники укрепило в молодых воинах чувство ответственности и верности долгу.

А буквально за неделю до этого в части был еще праздник — по случаю принятия Военной присяги. Выступавшие на митинге заместитель начальника СВВАКИУ по воспитательной работе подполковник Анастас Амбарцумян, офицер-воспитатель старший лейтенант Мирзо Отажонов напутствовали солдат хранить верность клятве, достойно служить Родине. И тогда именно Джахонгиру доверили от имени новобранцев выступить с ответным словом.

Принимая из рук командира автомат, солдат вновь вспомнил то свое выступление. Сжимая прохладную сталь оружия, рядовой Д. Кувонов еще глубже осознавал свою сопричастность к делу обеспечения надежности защиты рубежей Родины.

Майор А. НУРОВ.

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ—ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимизда чет эллик сармоядорларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли ҳуқуқий замин, қулай имтиёзлар тизими яратилган. Лекин вилоятда хорижий ҳамкорлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмагани натижасида Навоий шаҳридаги «Қизилқум-Рус-Нур» ва «Прибор» каби қўшма корхоналар тўхтаб қолган.

Чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, замонавий қўшма корхоналар очиш — иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги энг асосий масала экани қайта-қайта таъкидланаётганига қарамай, Қизилтепа, Нурота, Томди ва Учқудуқ туманларида ҳозирга қадар биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганини, ҳокимларнинг бу муҳим ишга лоқайд муносабатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоят корхоналаридан атиги 3 таси, у ҳам бўлса, Навоий конметаллургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз маҳсулотини ташқи бозорга олиб чиқмоқда. 2001 йилда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 16 фоизга камайиб кетгани ташвишга солмасдан қўймайди.

Навоий вилоятининг иқтисодий ривожида қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Ўтган йили бу ерда 76 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, 43 миллиард сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиштирилганини таъкидлаш жоиз.

Бироқ, сўнгги йилларда мана шу муҳим соҳада ташвишли вазият юзага келмоқда. Хусусан, кейинги икки йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш бўйича режалар сурункасига бажарилмаяпти. Бунинг асосий сабаби — қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик юритиш интизомининг бўшашиб кетгани, иқтисодий ислоҳотларнинг изчил ва самарали жорий этилмаётгани билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди.

2001 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларнинг 33 фоизи бажарилмагани ҳам ана шундан далолат беради.

Энг ёмони, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий аҳволининг оғирлашувига олиб келмоқда.

Қуйидаги рақамларга эътибор берайлик.

2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарининг жами дебиторлик қарзлари 2 миллиард 175 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари эса 5 миллиард 467 миллион сўмни ташкил этган. 285 та хўжалик эса ўтган йилни 439 миллион сўм зарар билан якунлаган.

Вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий аҳволини ўнглаш учун биз зарур чора-тадбирларни кўряпмиз, албатта. Масалан, ўтган йиллар мобайнида бу ерда вужудга келган объектив шарт-шароитни инобатга олиб, вилоят хўжаликларининг қарийб 5 ярим миллиард сўм миқдоридаги қарзларидан кечилди.

Бу — давлатимиз томонидан оғир вазиятдан чиқиб олиш учун хўжаликларга берилган катта бир имконият, албатта. Лекин бунга жавобан вилоятда изланиш, ташаббус кўрсатиш, ишни тўғри ташкил этиш ўрнига боқимандалик кайфияти кўзга ташланаётгани, ҳосилдорлик даражаси пасайиб бораётганини афсус билан айтишга мажбурмиз.

Ўтган йили Хатирчи ва Қизилтепа туманларидаги 7 та хўжаликда гектаридан олинган пахта ҳосили 18 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай нохуш ҳолат дон етиштиришда ҳам учрамоқда. 2001 йилда суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги Хатирчи туманидаги «Оқ олтин» хўжалигида 15,5, Қизилтепа туманидаги Ал-Бухорий номли хўжаликда 12,6, «Маликчўл» хўжалигида 11,5, Навбаҳор туманидаги Жамбул номли хўжаликда эса атиги 7,5 центнерни ташкил этган, холос.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи, асосий бойлигимиз бўлган ерга нисбатан муносабат барчани ташвишга солмоқда.

Ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида ўтган йили 2 минг 57 гектар майдоннинг экин экилмасдан қолиб кетгани, 1 минг 828 гектар ер эса ҳисоботдан яширилгани аниқланди.

Жумладан, Қизилтепа туманида 107 гектар, Навбаҳор туманида 96, Хатирчи туманида 67 гектар чигит экилган майдондан бир центнер ҳам ҳосил олинмаган.

Сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш Навоий чўл зонасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида сувдан ва суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун вилоят раҳбари Ғ. Диловга қаттиқ огоҳлантирилган эди.

Лекин, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ўтказилган текширишлардан маълум бўлдики, бу камчилик ва нуқсонлар ҳанузгача давом этмоқда.

Вилоятда ҳозирги кунда 2 минг 648 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аммо уларни қўллаб-қувватлаш, техник ва ахборот хизмати кўрсатиш, минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари билан таъминлашда ёрдам бериш, лизинг хизматига доир масалаларни ҳал этиш ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Буни ўтган йили фермер хўжаликлари азотли ўғитлар билан 64 фоиз, фосфорли ўғитлар билан 24 фоиз, калийли ўғитлар билан эса атиги 6 ярим фоиз миқдорида таъминланганидан ҳам билса бўлади.

Шу сабабли фермер хўжаликлари томонидан пахта ва дон етиштиришда кескин ўзгариш кўзга ташланмаяпти. 2001 йилда вилоят бўйича фермер хўжаликлари пахтадан ўртача 22 центнер, ғалладан эса 25,6 центнер ҳосил олган, холос.

Фермерлар томонидан бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, ўтган йили вилоятда фермер хўжаликларининг гўшт етиштиришдаги улуши 1,6 фоизни, сут маҳсулоти бўйича 3 фоизни, тухум етиштириш бўйича эса атиги ярим фоизни ташкил этган.

Бу соҳада рўй бераётган камчиликларнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчиларга зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмаяпти.

Мисол учун, пахта етиштириш шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга берилиши лозим бўлган 3 минг 262 тонна пахта ёғидан фақат 155 тоннаси, 14 минг 679 тонна кунжарадан 230 тоннаси, 11 минг 417 тонна шелухадан 217 тоннаси деҳқонларга тарқатиб берилган, холос.

Деҳқон меҳнатига беписандлик билан қарашдек бундай бемаъни ҳолатга чек қўйилди, албатта. Лекин бунинг учун Президент девони ходимларининг бу масала билан шуғулланишига тўғри келди.

Савол туғилади: наҳотки, вилоятда деҳқон манфаатини ҳимоя қилиб, масалани ўртага қўядиган, уни ҳал этиб берадиган бирон раҳбар топилмаса? Ахир, вилоятнинг ўзида ҳам бевосита шу масалага жавобгар бўлган ҳокимлар бор, прокурор бор, турли идоралар бор. Хўш, булар қаёққа қараяпти ўзи?

Вилоятда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунсиз равишда аралашиш, ортиқча текширишлар ҳам, афсуски, ҳали-ҳануз камаймаяпти. Тадбиркорлар томонидан ўз қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя этилишини сўраб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиш ҳоллари 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 59 фоизга кўпайгани, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашган мансабдор шахсларнинг 321 таси маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилгани ҳар биримизни ўйлантириши, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этиши зарур.

Ҳурматли халқ ноиблари!
Азиз дўстлар!

Табиийки, вилоятда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни танқид қилиш билан бирга, вазиятга холисона баҳо берадиган бўлсак, бундай ҳолатларга олиб келадиган кўпгина объектив сабабларни ҳам инобатга олишимиз зарур.

Навоий вилоятининг ер ва иқлим шароити мураккаблиги, бунинг устига, сурункасига икки йил рўй берган қурғоқчилик оқибатлари, экологик муаммолар, ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги, кўпгина корхоналар ва хўжаликларнинг молиявий аҳволи танглиги каби сабаблар шулар жумласидандир.

Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин, фақат шу ҳолатларни баҳона қилиб, қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Масалан, мана шундай объектив сабаблардан бири — ерларнинг мелиоратив ҳолатини оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, Хоразмда ёки Қорақалпоғистонда аҳвол бундан яхшими? Ёки қўшни Бухоро ва Қашқадарёнинг тупроқ шароити сизларникидан яхшими?

Агар Навоийда ерларнинг шўрланганлик даражаси 67 фоиз бўлса, бу кўрсаткич Бухорода 91, Хоразмда 97 фоизни ташкил этади. Лекин шунга қарамасдан, Хоразмда юқори ҳосил олишга эришиляпти-ку!

Мен, ўрни келганда, хоразмлик миришкорларнинг меҳнатига, деҳқончилик маданиятига тан бериб, уларни ҳақиқий қаҳрамонлар, деб айтган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман. Чунки Хоразм деҳқони қишнинг изғиринида ҳам, баҳорнинг ёғин-сочин кунларида ҳам даласида мардона меҳнат қилиб, юзлаб-минглаб гектар ернинг шўрини ювади. Нима, Навоийда деҳқонларнинг табиати бошқачами, бу ишлар уларнинг қўлидан келмайдими?

Келади, албатта. Қизилтепа туманидаги «Шодиобод» фермер хўжалиги пахта топшириш шартномавий режасини 210 фоизга, Хатирчи туманидаги «Юсуф Турон» фермер хўжалиги 163 фоизга, Навоий туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги 130 фоизга бажаргани бунинг исботи эмасми?

Ёки Қизилтепа туманидаги «Олмазор» фермер хўжалиги аъзоларининг гектарига 80 центнердан зиёд ғалла ҳосили етиштиргани, Конимех туманидаги «Конимех» ва Абай номли, Томди туманидаги «Оёққудуқ» ширкат хўжаликларида ҳар юз бош совлиқдан қарийб 120 тадан қўзи олингани Навоий вилоятида ҳам ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор одамлар кўплаб топилишидан далолат беради.

Бу воҳанинг ҳали-ҳануз тўла ишга солинмаётган имкониятлари ҳақида гапирганда, биз аввало қоракўлчилик соҳасини ҳам назарда тутамиз. Чунки, бу вилоят ўзининг бетакрор табиий шароитига кўра қоракўлчиликнинг асосий базаси ҳисобланади.

Айтайлик, Томди ва Учқудуқ, Нурота ва Конимех туманларининг бепоён яйловларида қимматбаҳо хомашё берадиган қоракўл қўйларнинг энг зотдор наслларини етиштириш мумкин. Мамлакатимизнинг бошқа бирон-бир ҳудудида бу тармоқни шу даражада ривожлантириш имкони йўқ.

Шуни қайд этиш зарурки, вилоятда қоракўл қўйлар сони кейинги бир йилнинг ўзида 35 минг 300 тага кўпайиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, бир миллиондан ошиб кетди. Ҳар йили 240 мингга яқин қоракўл териси тайёрланмоқда. Бу тармоқ маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаи бўлибгина қолмай, катта экспорт салоҳиятига ҳам эга эканини ҳаммангиз яхши биласиз.

Шу билан бирга, қоракўлчилик хўжаликлари бор имкониятлардан тўла фойдаланяпти, деб бўлмайди. Жаҳон бозорида талаб катта бўлган қоракўлчилик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, қўйларнинг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, мавжуд яйловларни сақлаб қолиш, чўпонлар учун зарур турмуш шароитини яратиб бериш — барчамизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вилоятдаги мавжуд аҳвол ва муаммолар ҳақида гапирар эканмиз, бу ерда ишсизлик муаммоси ҳамон жиддий масала бўлиб қолаётганини айтиш лозим. Ўтган йили бандлик хизмати идораларига иш сўраб мурожаат қилган 24 минг кишидан 8 минг нафари иш билан таъмин этилмаган. Уларнинг 70 фоизи хотин-қизлар эканини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг нечоғли долзарблиги янада аён бўлади.

Бу муаммонинг ечими туман марказларида, қишлоқларда кўплаб кичик ва ихчам саноат корхоналари, маиший хизмат тармоқлари, ҳунармандчилик шохобчалари ташкил этишни талаб қилади.

Бу соҳадаги ишга катта салбий таъсир кўрсатиб, тўсиқ бўлиб турган масалалардан энг асосийси, у ҳам бўлса, вилоятда ўтирган мутасадди раҳбарларнинг тадбиркорликка интилиб, ўз ишини бошламоқчи бўлиб юрган ақл-заковатли, ташаббускор одамларга етарли эътибор бермаслиги, ўз вазифасига совуққонлик билан қарашидир.

Буни ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларига товар-хомашё биржалари орқали сотилган моддий-техникавий ресурслар ҳажми 55 фоизга камайиб кетгани ҳам тасдиқлайди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш, уларга банклар томонидан кредитлар ажратиш борасида юз бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳам тадбиркорлик ривожига жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Ўтган йили вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонлари ажратиш ва тижорат банклари томонидан кредитлар бериш масаласи ўрганилганда 13 мингдан зиёд ҳолатда амалдаги қонун бузилишлари содир этилгани аниқланган.

30 дан ортиқ ҳолатда вилоят ва туман ҳокимликлари, 34 ҳолатда эса тижорат банклари раҳбарлари тўрачилик, таъмагирлик билан аризаларни ўз вақтида рўйхатга олмаган ёки рад этиб, ортиқча ҳужжатлар талаб қилган.

Ҳатто вилоят ҳокимлигида ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг ариза ва шикоятларини белгиланган тартибда қайд этиб бориш ишлари йўлга қўйилмаган. Навбаҳор тумани ҳокими эса 18 та хўжалик юритувчи субъект раҳбарларини жаримага тортиш тўғрисида асоссиз фармойиш чиқаргани ҳеч қандай ақлга сиғмайди.

Вилоятда янги уй-жойлар барпо этиш, аҳоли яшайдиган мавзеларни ободонлаштириш масаласи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Кўп жойларда йўлларнинг ҳолати, кўчаларнинг қиёфаси ачинарли аҳволда.

Бу ҳақда гапирганда, ғайритабиий бир ҳолат одамни таажжубга солади. Бир томондан, бу ерда замонавий инфратузилмага эга бўлган Навоий, Зарафшон каби шаҳарларни, иккинчи томондан эса, улар билан мутлақо солиштириб бўлмайдиган қишлоқ манзараларини кўриш мумкин.

Барчамиз вилоятдаги шўро давридан қолиб келаётган бундай бир ёқлама ёндашувга барҳам бериш вақти аллақачон етганини англаб олишимиз керак.

Бу, албатта, катта куч ва маблағ талаб қиладиган иш. Лекин, барака топкурлар, ташаббус аввало кимлардан чиқиши керак?

Яна ва яна такрор айтмоқчиман, ўзимиз яшаётган юртимизни, қишлоқ-шаҳаримизни, маҳалла-хонадонимизни обод этиш, кўкаламзорлаштириш, йўлларимизни равон қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ишларини ўзимиз қилмасак, уларни биров четдан келиб бажариб бермайди-ку!

Бир вақтлар мен Андижонда бошланган бундай ибратли ишлар ҳақида Қувада бўлганимда ҳавас қилиб гапирган эдим. Тушунган одамларга бир оғиз сўз кифоя экан, ҳозир Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида, шаҳар-қишлоқларида каттаю кичик йўл ва майдонлардаги кўркам манзараларни, кишининг кўзини, қалбини беихтиёр қувонтирадиган савобли ишларни кўриб, ҳар қайси инсоннинг кўнгли, руҳи сўзсиз очилиб, яйраб кетади.

Ўйлайманки, бундай ишларни ташкил қилиш, халқимизни шу каби олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина битта нарса керак. У ҳам бўлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг уйғониши, юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бўлса ҳам енгил қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон куйдириши керак.

Ҳурматли дўстлар!

Навоий вилоятида ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар орасида барчамизни айниқса безовта қилиши лозим бўлган бир масала борки, у бевосита Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш билан боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятдаги 238 та мактабда дарслар икки сменада, 4 та мактабда эса уч сменада олиб борилаётгани, 10 та мактаб ночор аҳволда экани, 21 та мактабда эса қурилиш ишлари тугалланмай ётгани ҳам бу соҳада анча-мунча муаммолар йиғилиб қолганидан далолат беради.

Кўпгина қишлоқ мактаблари баъзи фанлар бўйича ўқитувчилар билан тўла таъминланмаган. Жумладан, чет тили фани бўйича 310 та, жисмоний тарбия бўйича 350 та, меҳнат фани бўйича 130 та ўқитувчи етишмайди.

Текширув жараёнида аниқланган маълумотларга кўра, Навоий вилояти битирувчиларнинг билим савияси бўйича мамлакатда энг қуйи ўринда туради. Бу ҳол шу масалага бевосита жавобгар бўлган мутасаддиларни, вилоят ва туман ҳокимларини, Халқ таълими вазирлигининг раҳбарларини безовта қиляптими-йўқми, билмадим, лекин шахсан мени қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Биз ҳар бир шаҳар ва туманда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари бунёд этиш масаласига нафақат бугунги, балки эртанги кунимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашишимиз, ажратилган маблағ ва ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

2001 йил давомида қурилиш-монтаж ишлари суст олиб борилгани сабабли Нурота, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади.

Вилоятда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мактабларнинг 62 фоизи спорт заллари, 21 фоизи футбол, 13 фоизи эса волейбол майдонлари билан таъминланмаган бўлса, ёшларни қандай қилиб спортга жалб этиш, уларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялаш мумкин?

Мана, сизларга қўшни бўлган Бухоро вилоятини олайлик. У ерда кейинги йилларда қандай замонавий ва муҳташам спорт мажмуалари бунёд этилганини универсиада ўйинлари орқали кўрдик. Энг муҳими, ҳамма гап бу масалага жиддий эътибор беришда, ташаббусга ташаббус қўшиб, одамларни эзгу ишларга сафарбар эта билишда.

Таассуфки, вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Айниқса, ихтисослашган замонавий тиббий муассасалар ташкил этишдаги сусткашлик туфайли бу борадаги хизмат сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Хусусан, вилоятда ҳар 10 минг кишига 36 та даволаш ўрни тўғри келиши ҳеч кимни қониқтирмайди. Чекка ва олис туманларда қишлоқ врачлик пунктлари, малакали шифокорлар етишмаслигини инобатга олиб, бу масала бўйича зарур чора-тадбирларни кўришимиз даркор.

Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, бир неча турдаги оғир юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу соҳада ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, қасддан одам ўлдириш, суиқасд қилиш, автотранспортни ўғирлаш каби жиноят турлари бўйича кўрсаткичлар пасаймаяпти.

Айниқса, қасддан оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик ва товламачилик сингари жиноятлар сони кескин ошгани, содир этилган жиноятларда вояга етмаганлар ва ўқувчилар иштироки ортиб бораётгани барчамизни ҳушёр торттириши даркор.

2001 йили вилоятда 202 та жиноят очилмай қолган. Содир этилаётган қотилликларнинг 60 фоизи оилавий можаролар оқибатида келиб чиқаётганини инобатга олсак, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари қаёққа қараяпти, деган ҳақли эътироз туғилиши табиий.

Энг ачинарлиси, баъзан вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ҳам турли жиноятлар содир этилмоқда.

Масалан, Навбаҳор туман судининг собиқ раиси У. Рустамов жиноят ишини енгиллаштиришни ваъда қилиб, 1 миллион 500 минг сўм пора олаётганида қўлга тушган. Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Н. Назаров, А. Омонов, Ф. Аҳмедовлар эса фуқаро Н. Қодиров томонидан содир этилган оғир жиноятни яшириб пора олган.

Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари А. Ризоқулов ва Х. Аҳмедовлар фуқаро М. Эрназаровни жиноий жавобгарликка тортиш билан қўрқитиб, товламачилик йўли билан пора олаётган пайтда қўлга тушган.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган одамларнинг ўзи шундай жирканч ишларга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиш мумкин?

Муҳтарам юртдошлар!

Биз раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш ҳақида кўп гапирамиз. Нега деганда, олдимизда турган вазифаларни бажаришда кадрларнинг билимдонлиги, ишчан ва ташаббускорлиги, ташкилотчилиги катта аҳамият касб этади, керак бўлса ҳал қилувчи ўрин тутади.

Навоий вилоятида амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасидан лавозимларга тайинлаш, уларни босқичма-босқич юқори вазифаларга тайёрлаб бориш, ўқитиш ва тажрибасини оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ёмон бир одатга айланган.

Масалан, кейинги уч йил ичида вилоят ҳокимлигининг агросаноат мажмуи котибияти мудири етти марта, ҳокимликнинг ишлар бошқарувчиси эса олти марта алмаштирилган.

Биргина 1999—2000 йиллар мобайнида 101 та қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбарларининг 72 фоизи, жумладан, Хатирчи туманида 97 фоиз, Қизилтепа туманида 70 фоиз, Навбаҳор туманида 62 фоиз ходимлар турли баҳонаю сабаблар билан алмаштирилгани вилоятда кадрлар қўнимсизлиги одатий ҳолга айланиб қолганидан далолат беради. Энг ёмони шундаки, бундай тинимсиз кадр алмаштиришлар ишни яхшилашга ҳеч қачон хизмат қилмаган ва хизмат қилмайди.

Энди бугунги сессия кун тартибидаги асосий масалага ўтадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, бундан уч ярим йил олдин мана шу залда Ғ. Диловни катта ишонч билан вилоятга биринчи раҳбар этиб тасдиқлаган эдик. Эътироф этиш керак, дастлабки йилларда унинг фаолиятида маълум бир интилишлар ва ҳаракатлар ҳам кўзга ташланди. Лекин, барчамизга аёнки, Навоий вилоятининг ҳаёти ва истиқболи фақат қишлоқ хўжалиги соҳасига боғланган эмас.

Минг афсуски, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ривожлантириш, маънавий-маданий юксалтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим ва долзарб масалалар вилоят ҳокимининг эътиборидан четда қолиб кетганини бугун қайд этишга мажбурмиз.

Яъни, бу одамда вилоят миқёсидаги бутун муаммоларни чуқур англаш, тушуниш, уларга ягона мақсад нуқтаи назаридан ёндашиб, изчиллик билан ҳал этиш қобилияти, эл-юртнинг минг-минг талаб ва эҳтиёжларидан энг муҳим, устувор масалаларга эътиборни жалб этиш, авваламбор, кадрларнинг бошини қовуштириш, сафарбар этиш хусусияти, малакаси, очиқ айтиш керакки, етишмади.

Бугунги вужудга келган вазиятни тан олиб, буни ўзи ҳам тушуниб, Ғ. Дилов вилоят ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза берди.

Бугун сиз, депутатлар мана шу масалани кўриб чиқиб, унга ўз муносабатингизни билдиришингиз керак.

Ҳурматли депутатлар, энди Навоий вилояти ҳокими лавозимига номзод масаласини кўриб чиқишимиз зарур. Биз бу борада кўп ўйлашиб, вилоят жамоатчилиги, оқсоқоллар, маҳаллий фаоллар билан маслаҳатлашиб, бу лавозимга ҳозирги кунда Конимех тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рўзиев Баҳриддин Муртазаевич номзодини тавсия этмоқчимиз.

Ўйлайманки, ҳаммангиз кўпдан буён шу Навоий вилоятида хизмат қилиб келадиган бу раҳбарни яхши танийсиз. У иш фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаб, туман ва вилоят миқёсидаги турли масъул лавозимларда ишлаган, билими, ҳаётий тажрибаси ҳам етарли.

Энг муҳими, у Навоий вилоятини, бу ерда яшайдиган аҳолининг ҳаётини яхши билади. Вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, одамларни қийнаётган ташвиш-муаммоларни ҳал этишда бу раҳбар ўзининг бор куч-ғайрати ва салоҳиятини аямай меҳнат қилади, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Мен Навоий вилоятининг депутатлари ва фаоллари, барча меҳнаткашлари, бутун халқи бугунги айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишига танқидий нуқтаи назардан қараб, янги раҳбар атрофида бирлашиб, вилоят ҳаётида жиддий ўзгариш ясашига қатъий ишонаман.

Чунки, вилоят барча соҳаларда мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши учун ҳамма асос ва имкониятлар мавжуд. Фақат ана шу имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдалана билиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан талаб қилаётган ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишда сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувининг электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш;

реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўлланишга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан кўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;

миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш;

сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;

маҳаллий компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш.

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида юқори мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

3. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда иқтисодий омилларни вужудга келтириш юзасидан ҳукуматга таклифлар киритиш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш.

4. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш 2002 йилнинг 1 октябрига қадар:

2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурини;

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастурини;

2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси, матбуот тарқатиш, маълумот узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тармоқларини барпо этиш, фаолиятини йўлга қўйиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни рўёбга чиқариш;

почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;

ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2002 йилнинг 1 августига қадар йирик хорижий ва маҳаллий компьютер ҳамда ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказини ташкил қилсин.

6. Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб ўзгартирилсин.

Бюджетдан ташқари жамғармага маълумот узатиш тармоқлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаси юклансин.

7. Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилсин.

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланиши назарда тутилсин.

8. 2006 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

республикага олиб келинаётган компьютер маълумотларини узатиш тармоқларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар, шунингдек дастурий воситалар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириши учун йиғим бундан мустасно) тўлашдан;

компьютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий воситаларни сотиш, шунингдек уларга сервис хизматлари кўрсатиш қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

9. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб дастурий воситалар ишлаб чиқариш, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизматлари кўрсатиш, аҳолига компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашни ўргатиш юзасидан хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашган ташкилотларга (уларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар) ягона солиқ тўлаш тартиби татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

12. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 май.

● НА КОНКУРС «ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ»

Земля свободных людей

ГЕРОИЧЕСКАЯ ЛЕТОПИСЬ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

Далеко вглубь веков уходит история Узбекистана и населяющих его народов. Миролюбие и гостеприимство узбекистанцев известны всему миру,но это не значит, что населявшие эту благодатную землю люди мирились с нашествиями завоевателей. Долгие годы занимаясь историей Узбекистана, посетив многочисленные исторические памятники и встретившись с немалым числом ученых, для которых нет тайн в истории, я обнаружил немало примеров героизма и воинского мастерства наших великих предков.

ВЕЛИКАЯ ВОИТЕЛЬНИЦА

В 529 году до нашей эры повелитель огромной Персидской державы, раскинувшейся от Индии до Ливии, царь Кир Великий предпринял поход против кочевых среднеазиатских племен. Поначалу он пытался покорить их хитростью, предложив царице массагетов Томирис стать его женой. Но когда она отвергла его притязания, переправил свои войска через Амударью.

Захваченный врасплох отряд сына Томирис Спарангиза, отказавшийся сдаться, был безжалостно истреблен.

Весь народ поднялся на борьбу с захватчиками. Массагетские и сакские женщины и девушки, с детства обученные владеть оружием, сражались в одних рядах с мужчинами. Кир завоевал Согдиану и уже праздновал победу. Но гоняясь за неуловимой Томирис, он завел свое войско в безводную пустыню, где оно и было сначала измотано, а потом истреблено меткими стрелами кочевников. А когда в бой вступила конница Зарины, жены погибшего Спарангиза, под копытами ее коней закончилась жизнь и когда-то непобедимого Кира Великого.

Следившая за ходом битвы с высокого холма Томирис приказала бросить отрезанную голову Кира в бурдюк с кровью.

— Кир, ты жаждал крови, — сказала она, — всю жизнь истреблял людей. Так напейся же теперь сю досыта.

НЕПОКОРЕННЫЙ СПИТАМЕН

Александр Македонский, победоносно сокрушивший Персидскую державу и многие царства, впервые познал горечь поражения на Согдийской земле. В 329 году до нашей эры он дошел до Сырдарьи, пытаясь привести местное население к покорности небывалой жестокостью. По некоторым источникам, он истребил до 120 тысяч человек. Но даже после этого его солдаты, отправившиеся добывать продовольствие и фураж, были схвачены местными жителями, а оставленные в покоренных городах греко-македонские гарнизоны перебиты восставшими горожанами. Александр с большим трудом вновь подчинил завоеванные прежде города.

Наибольшее беспокойство доставлял великому полководцу отважный Спитамен, возглавивший оборону Самарканда. Самые опытные соратники Александра Андромах и Менерем попали в устроенную им засаду, а их отряды были разгромлены.

После очередного нападения Спитамен уходил со своими отрядами в пустыню. Александр, помня уроки царя Кира, не решался преследовать его в песках и вымещал зло на мирных городских жителях. Весной 328 года до нашей эры Александр, укрепивший свои позиции в Бактрии, женившись на дочери местного правителя Роксане, вновь пошел походом на непокорный Мавероуннахр. Пока он искал Спитамена в междуречьи Аму и Сырдарьи, тот неожиданно появился в Бактрии и вновь одержал победу над захватчиками.

До самого конца он продолжал борьбу, и даже после смерти его имя наводило ужас на захватчиков.

ГЕРОИЧЕСКАЯ УСТРУШАНА

Уструшана — древняя страна, находившаяся на территории нынешних Сырдарьинской и Джизакской областей. Именно она осталась в древних летописях как оплот противодействия экспансии набиравшего силу Арабского халифата.

В 705 году войска эмира Кутейбы ибн Муслима вторглись в Согдиану и Уструшану. Назначенный халифом наместником Хорасана со ставкой в городе Мерве (мне не раз доводилось бывать в этом городе и участвовать в раскопках), он не стеснялся в средствах, покоряя новые страны и народы. В его ставку мешками свозили головы истребленных, поскольку за них платили золотыми дирхемами. Жестокость Кутейбы возмущала даже ко многому привыкших в те, далеко не самые гуманные времена, средневековых летописцев.

Однако в горной Уструшане его привыкших к пустынным просторам воинов ожидала неудача: они так и не смогли взять приступом горные вершины, на которых укрепились местные жители. Так и не завоевав непокорную Уструшану, Кутейба повел свои войска на север и взял Ташкентский оазис, а затем и Ферганскую долину.

В 715 году скончался халиф аль-Валид ибн Абдумалик, покровитель Кутейбы. Новый халиф Сулейман возненавидел Кутейбу, особенно после того, как тот в ультимативной форме написал ему: «Если ты, халиф Сулейман, не утвердишь меня на занимаемой должности, то я скину тебя, как скидывают сандалию». Халиф испугался и выдал фарман на управление Хорасаном. Однако настолько умело настроил против него армию, что когда Кутейба попытался поднять открытый мятеж, с ним выступило только родное племя бахила.

В 24 км от Андижана есть местность под названием Клыч-мазар (кладбище сабель). Именно там в 715 году и были после жестокой битвы убиты и обезглавлены Кутейба, его брат и еще 7 родственников. Все они похоронены здесь же в Мавзолее Кутейбы. Пасть от руки собственных воинов — вот печальный и справедливый финал жизни жестокого завоевателя.

МУЖЕСТВО НАРОДА И СЛАБОСТЬ ПРАВИТЕЛЕЙ

В 1218 году местный правитель города Отрара, подчинявшийся государству Хорезмшахов, конфисковал товары и убил 750 купцов, направлявшихся из державы Чингисхана. Слабодушный Хорезмшах Мухамед не сумел найти достойного выхода из этого провокационного скандала международного масштаба, и он был использован как предлог для вторжения огромной монгольской армии.

Осенью 1219 года 600 тысяч воинов Чингисхана четырьмя колоннами стремительно вторглись в пределы державы Хорезмшаха. Советники тут же посоветовали Хорезмшаху отступить в Газну или Герат. А вот народ страны проявил ту доблесть и мужество, которых так не хватало правителям.

Только через пять месяцев, после невероятных усилий, монголы берут Отрар. В феврале 1220 года было сломлено героическое сопротивление защитников Благородной Бухары. После потери Самарканда Хорезмшах Мухамед окончательно пал духом. По преданию, он бежал на остров Ашурада в Каспийском море, где и умер.

Но были и герои, беспредельно любящие родные земли. Военачальник Тимур-Малик, правитель Ходжента, оказал героическое сопротивление монгольским захватчикам, а затем, возглавив хорезмские войска, перешел в наступление. Битва за Ургенч длилась семь месяцев. Монголы сумели его взять, только затопив город водой, разрушив плотину на Амударье.

Сын Хорезмшаха Джалолиддин Мангуберди после бегства отца возглавил сопротивление монголам и 22 ноября 1221 года у реки Синд в трехдневной битве мужественно им противостоял. Хорезмийцы стояли насмерть, но силы были неравны. Джалолиддина спас конь, бросившийся в воду с высокого обрыва. Чингисхан запретил стрелять в полководца из луков: «Этот барс заслужил себе право на жизнь. Если бы у меня был такой сын!».

И действительно, словно барс метался Джалолиддин по региону: захватил Шираз и Исфаган... и чуть не взял штурмом столицу халифов Багдад. В битве при Исфагане он наголову разбил одну из армий монголов, однако был разбит коалицией правителей Дамаска, Хаиса и Халеба 10 августа 1230 года. Народ междуречья Амударьи и Сырдарьи постоянно восставал, не мирясь с порабощением, и продолжал борьбу. Но в августе 1231 года Мангуберди случайно погиб в Курдистане, когда был принят за другого...

Великий Джалолиддин Мангуберди навсегда остался в памяти узбекского народа, а после обретения независимости в республике был учрежден орден его имени.

ВОИН И СОЗИДАТЕЛЬ

Об Амире Темуре, который за свою долгую жизнь (70 лет) триумфально шествовал от победы к победе, знает весь цивилизованный мир. Им восхищался французский король Карл VI, английский король Генрих IV, византийский император. В Темуре воплотились лучшие качества великого полководца и государственного деятеля. Эпоха его правления получила в истории наименование Среднеазиатского Ренессанса, стала временем небывалого взлета научной мысли, культуры, строительства, духовной жизни. Историкам еще предстоит осветить новые страницы истории этого великого времени. Достижения современников Амира Темура, а ведь он мог совершить свой вклад в историю мировой цивилизации только опираясь на огромный творческий потенциал народа, — тот наглядный пример огромных возможностей, заложенных в нашем государстве, залог великого будущего молодого независимого Узбекистана.

Павел СИЛИН,
историк-исследователь.

Фан ва техника хабарлари

ЯПОНЛАРНИНГ ЯНГИ МУЪЖИЗАСИ

XXI аср компьютер асри сифатида тарихга кирди. Бу борада япон олимлари эришаётган ютуқлар соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшаётгани кўпчиликка маълум. Япон олимлари жажжи қутичага жойлашган бу мўъжизани янада такомиллаштириш устида бир зум ҳам тўхтамаяпти. Илдан-йилга компьютерларнинг янги авлодлари кашф қилинмоқда. Бундан бир неча йил аввал яратилган суперкомпьютерлар ҳозиргиларининг олдида жуда содда кўринib қолди. Зеро, фан тараққиёти ҳаракатда.

Яқинда Японня фан ва маориф вазирлиги бир сонияда 300 триллион операция бажарадиган суперкомпьютер яратиши режалаштирганини эълон қилди. Ушбу машина ҳозир энг кучли, деб тан олинган компьютердан ҳам ўн марта тез ишлайди. Бир сўз билан айтганда, япониялик олимлар яратишни мўлжаллаётган ушбу компьютер суперларнинг супери бўлади.

Вазирлик раҳбари Ацуко Тоямининг айтишича, ижро жараёни беш йилга мўлжалланган ушбу лойиҳанинг баҳоси 70 миллиард иенни ташкил этади (550 миллион АҚШ доллари). Ган эса шаффоф толали технология ёрдамида бир қанча суперкомпьютерларни бирлаштириш ҳақида бормоқда. Янги машинани био ва нанотехнология, ярим ўтказгичларнинг учинчи авлоди, ўта кучли хотира яратиш, генетика муҳандислиги каби соҳаларда қўллаш мўлжалланмоқда.

Бундан аввал энг тез ишлайдиган суперкомпьютер яратишда АҚШ карвонбошилик қилар эди. Тиниб-тинчимаган япон олимлари шу йилнинг март ойида ер тузилишини акс эттирувчи машина ясаб, америкаликларни ортда қолдириб кетди. Бу машинадан сайёрамизда обҳаво, ҳарорат ўзгаришлари, тектоник ҳаракат жараёни, океан оқимларининг мавсумий ўзгаришлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, довул ва зилзила хавфининг яқинлашувини моделлаштиришда фойдаланилмоқда. Бир ой аввал эса япониялик компьютершунослар бир сонияда 30 триллион операцияни амалга оширадиган суперкомпьютер яратиб, яна рекорд ўрнатди.

Сайёрамиз ўз ўқи атрофида айланаверар, инсоннят ҳаётни янада фаровонлаштириш учун изланишдан тўхтамас экан, фан тараққиёти ҳам ҳаракатда бўлади. Демак, кундалик турмушнинг аҳамиятли қисмига айланиб улгурган компьютерларнинг янги-янги авлодлари ҳам яратилаверади. Хулоса шуки, беш йилдан кейин яратилиши мўлжалланаётган, бир сонияда 300 триллион операцияни бажара оладиган ақлли машина ҳам кашфиётларнинг сўнггиси бўлмайди. Ажабмаски, йиллар ўтиб бу машина ҳам ўрнини бошқа, ундан-да тез ишлайдиган янгисига бўшатиб, ўзи оддий «дастҳоҳлар» қаторидан жой олса.

С. РАҲИМОВ.
(ЎзА).

НЕ ИЗМЕНИЛСЯ

Уровень безработицы в Японии в апреле не изменился и составил 5,2%. Данные оказались лучше ожиданий — аналитики прогнозировали рост уровня до 5,3%. Рекордный за последнее время уровень безработицы наблюдался в декабре 2001 года — 5,5%.

(Интернет ва матбуот материаллари асосида тайёрланди).

ДО ВСТРЕЧИ, ПРАЗДНИК ЮНОСТИ И СПОРТА!

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Сегодня в нашей стране понятия «молодость, спорт и красота» неразделимы. Они стали и своеобразным девизом «Универсиады-2002» — праздника студенческого братства, физического и духовного совершенства. Прошедшие игры доказали, что наша молодежь — действительно спортивное поколение. В ходе соревнований было завоевано 203 золотых медали, столько же серебряных и 224 бронзовых. Отличные результаты, многие из которых признаны рекордами, достигнуты во всех видах спорта, вошедших в программу Универсиады. Каждый вечер на арене расположенного в центре Бухары амфитеатра проходило торжественное награждение победителей. Им вручались завоеванные в трудных состязаниях медали, дипломы, а также ценные подарки. Призами были награждены и спортсмены, признанные лучшими игроками, продемонстрировавшие волю к победе, истинно спортивное мужество.

... Затихают трибуны стадиона «Бухара», вмещающие более 22 тысяч зрителей. Над центральной горит факел Универсиады, зажженный от живого солнечного огня, по бокам от него — устремленные ввысь Государственный флаг Республики Узбекистан и флаг Универсиады. На стадион стройными колоннами выходят знаменосцы. Праздник, посвященный торжественному закрытию вторых республиканских студенческих спортивных игр, начался.

Молодежь Бухары уступает место участникам Универсиады. На поле выходят сборные команды спортсменов из всех областей Узбекистана, Каракалпакстана и Ташкента. В центре гордо выступают победители «Универсиады-2002». Многие из них будут представлять в будущем году Узбекистан на Всемирной универсиаде, которая пройдет в южно-корейском городе Дейгу. Среди них немало известных спортсменов, неоднократно отстаивавших честь Родины на самых престижных международных состязаниях. Призерами студенческих соревнований в Бухаре стали участницы Олимпийских игр в Сиднее легкоатлетки Екатерина Кремлева из Намангана и Елена Пискунова из Самарканда. Целая плеяда «звезд» большого спорта — среди курашистов и дзюдоистов. Так, сразу трое наших палванов стали чемпионами предыдущей Всемирной универсиады в Пекине — Эгамназар Акбаров, Абдулла Тангриев и Михаил Соколов, каждый в своем весе. А чемпионами Азии — Фарход Тураев и Камол Мурадов.

Под торжественную мелодию на середину поля выносят огромный символ Универсиады. На нем начинается награждение команд-победительниц. По итогам игр в общекомандном зачете первое место завоевала сборная «Ташкент-1», основной состав которой представляют студенты Узбекского государственного института физической культуры. Второе место в списке победителей у команды бухарцев—хозяев нынешней Универсиады. Третье присуждено сборной Наманганской области.

Бурными аплодисментами встречает стадион подарки Президента Ислама Каримова победителям «Универсиады-2002». Три автомобиля «Дамас», украшенные Государственными флагами Узбекистана, медленно объезжают поле. За выдающиеся успехи в спорте, достигнутые на играх в Бухаре, от имени главы государства ключи от автомобиля студентам Узбекского государственного института физической культуры вручили Государственный советник Президента Республики Узбекистан Т. Рискиев и хоким Бухарской области С. Хусенов.

Еще один подарок Президента предназначен команде, занявшей второе место на пьедестале Универсиады. Ключи от автомобиля «Дамас» спортсменам Бухарского государственного университета вручили заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан Х. Карзматов и председатель Госкомспорта Б. Махситов.

Третьей автомашиной награждается Наманганский государственный университет, команда которого стала бронзовым призером игр. Ключи от нее молодым спортсменам вручили министр высшего и среднего специального образования, председатель оргкомитета по подготовке и проведению «Универсиады-2002» С. Гулямов и председатель Национального олимпийского комитета С. Рузиев.

...Медленно гаснет факел Универсиады, по праву считающейся своеобразными Олимпийскими играми нашей молодежи. Спускается флаг Универсиады. Его выносят на поле члены сборной Бухарской области. Эстафету республиканских студенческих спортивных игр они передают команде самаркандцев. Им предстоит в 2004 году стать хозяевами третьей студенческой Универсиады Узбекистана.

Огромное полотнище Государственного флага Республики Узбекистан заполняет все поле стадиона. Его выносят на высоко поднятых руках участники спортивного праздника. Это — символ единства нашего народа, устремленного в будущее.

Под звуки зажигательных мелодий начинаются показательные выступления молодых спортсменов. Они демонстрируют зрителям свое мастерство, силу и ловкость. Затем на поле их сменяют многочисленные профессиональные и самодеятельные творческие коллективы республики, известные эстрадные артисты.

«Универсиада-2002» завершилась. Республиканские студенческие спортивные игры еще раз доказали, что нынешнее молодое поколение нашей страны обладает огромным потенциалом. Оно умеет дружить, бороться за победу, отстаивать свои убеждения. Это поколение патриотов, которое сумеет защитить достижения Родины на пути независимости.

А. ИВАНОВА,
корр. УзА.

Давлатимиз рамзлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Давлатимиз рамзлари» китобини нашрдан чиқарди.

Юртбошимиз: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналгач. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган.

Мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Гербимиз ва Мадҳиямизга эга бўлишимиз чин маънода озод ва хур бўлганимиз белгисидир. Бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир инсон бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт. Шу боис уларга бўлган муносабатимизни, авваламбор, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак.

«Давлатимиз рамзлари» китобида ана шу миллий тимсолларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб «Маънавият» нашриётида чоп этилган.

(ЎзА).

● ОБУНА—2002

«Ватанпарвар» — ҳарбийлар газетаси. Унинг саҳифаларида бевосита аскар ва офицерлар, уларнинг кундалик жанговар хизмати, эртанги режалари, ютуқ ва муаммолари хусусида ҳикоя қилувчи материалларга кенг ўрин берилади. Дунёда, минтақамизда, республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар, ҳарбий-сиёсий янгиликлар, Қуролли Кучларимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳам тезкорлик билан унда ўз аксини топади.

Газета, айниқса, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига, тарбиячи офицерларга ҳар жабҳада яқин кўмакдош, маслаҳатчи. Шунинг учун ҳам улар ўз қадрдон нашрларини муntазам ўқишни, унга обуна бўлишни доим сафдошларга тарғиб қилишади.

Суратда: тарбиячи офицер капитан Баҳодир Дўсчонов посбонларни газетанинг янги сони билан таништирмоқда.

К. ТУРАЕВ олган сурат.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни тантаналари республикамизнинг барча гўшаларида ўзгача руҳ билан ўтганлиги шубҳасиз. Бу ўзгачаликнинг сабаби эса ҳар бир қувнок тадбирларнинг асосий эгалари болажонлар бўлди, албатта. Ҳатто катталаримиз ҳам улар куйлаган болаларча бегубор қўшиқларга жўр бўлишди ушбу кун.

Республика Офицерлар Марказий саройида ҳам байрам арафаларида «Гулла, яшна Ватаним» шиори остида байрам тадбирлари ўтказилди. Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари томонидан чизилган расмлар кўргазмаси байрам тантаналарининг биринчи босқичини ташкил этди. Тантаналарнинг давоми эса боғча болалари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқларга уланди. Расмлар кўргазмасига Тошкент, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Термиз, Қарши, Чирчиқ шаҳарларидаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланаётган йигирмадан зиёд боғча болаларининг юзга яқин ижодий ишлари қўйилди. Бундан ташқари Офицерлар Марказий саройи кўргазмалар зали Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ва расм тўгараги иштирокчиларининг беш юзга яқин мўйқалам асарлари билан безалди ва улар ўртасида ҳам алоҳида танлов бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлигига қарашли боғча болалари томонидан чизилган расмлар танловида Чирчиқ шаҳридаги 18-сонли боғча тарбияланувчиси Нодирбек Ҳайдарқулов «Менинг онам» асари билан биринчи ўринни, Тошкент шаҳар 33-сонли боғча тарбияланувчиси Даша Михеева «Менинг гўзал Ўзбекистоним» асари билан иккинчи ўринни, Термиз шаҳридаги 41-сонли боғча тарбияланувчиси Мафтуна Жалмуродова «Менинг дадам полигонда» асари билан учинчи ўринларни эгаллашди. Шу билан бирга йиғармага яқин танлов иштирокчилари чизган ўзига хос расмлари учун Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди. Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Тошкент ва Чирчиқ шаҳар мактабгача тарбия муассаса тарбияланувчиларининг саҳнада ижро этган куй ва қўшиқлари эса тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдиргани шубҳасиз. Айниқса, Чирчиқ шаҳридаги 18-сонли боғча, Тошкент шаҳридаги 62, 19-сонли боғча жажжиларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни тантаналари Мудофаа вазирлигига қарашли боғча тарбияланувчилари учун мана шундай завқли ўтди.

З. ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ЛИВИЯНИНГ ИҚРОРИ

1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳарчаси осмонида юз берган авиаҳалокат билан боғлиқ ишга ҳали ҳам нуқта қўйилгани йўқ. РАТА—ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, куни кеча Ливия раҳбарияти ҳалокатга учраган «Пан-Америкэн» компаниясига қарашли самолёт йўловчиларининг қариндошларига 2,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлашга рози эканини тасдиқлаган.

Ливия ҳукумати расмий вакили ўз номини сир тутган ҳолда, Локерби фожиаси қурбонларининг қариндошлари билан расмий Триполи ўртасидаги ушбу келишув маълум шартларни кўзда тутади, деди. Яъни, қурбон бўлган ҳар бир йўловчининг оиласига 10 миллион АҚШ долларидан товон берилади. Келишувга биноан, пул босқичма-босқич бериб борилади. Яъни, 2,7 миллиард АҚШ долларининг 40 фоизи БМТнинг, яна 40 фоизи АҚШнинг Ливияга нисбатан жорий этилган жазолари бекор қилинганидан кейин, қолган 20 фоизи эса АҚШ Ливияни терроризмни кўллаб-қувватлаётган давлатлар рўйхатидан ўчирганидан сўнг берилади.

Яқинда Шотландия суди Абдулбосит ал-Миҳроҳийнинг апелляциясини рад этган эди. Жамаҳирия фуқаросси бўлган бу одам самолётни портлатишда айбланиб, Ливия томонидан Шотландия судига топширилганди. У умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Ливиянинг товон тўлаш ҳақидаги қарори ана шундан кейин қабул қилинди.

Ливия ҳукумати расмий вакилининг таъкидлашича, 6 июнь куни Лондон шаҳрида Ливия, АҚШ ва Буюк Британия вакилларининг ушбу масала юзасидан сиёсий учрашуви бўлади.

Ливиянинг авиаҳалокат қурбонлари учун товон тўлашга рози бўлиши унга катта сиёсий масъулият юклайди. Яъни, бу Шотландия осмонида рўй берган авиаҳалокатни Ливия уюштирган, деганидир. Агар шундай бўлиб чиқса, бу қилмиш терроризм билан баробар қўйилади. Ўша авиаҳалокатда 259 нафар йўловчи ҳамда ҳаво кемаси экипажининг аъзолари ҳалок бўлганди. Самолётнинг шаҳарчага қулаб тушиши локербиликларнинг ҳам бошига кулфат келтирди. Ўн бир киши уйида ўтирган жойида ҳалок бўлди.

Ливия ҳукумати АҚШ компаниясига қарашли ҳаво кемасининг ҳалокати учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш ниятн бор-йўқлиги ҳозирча номаълум. Шунга қарамай, Триполининг товон тўлашга рози бўлиши Ғарб учун Ливияга нисбатан жорий қилинган иқтисодий жазони бекор этишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Шотландияда бўлаётган гаплар ўз йўлига. Асосий жабрланувчи ҳисобланган АҚШ учун эса бу масала ҳали очиқ ҳолда қолмоқда. Давлат котиби Колин Пауэллнинг айтишича, Ливия товон тўлаш ҳақидаги қарорини Оқ уйга расман маълум қилгани йўқ. Колин Пауэлл журналистлар билан учрашиб, биз ҳозирча Ливия бу масалада қандай таклиф билан мурожаат қилишини кутиб турибмиз, деди. Товон ҳақидаги хабар АҚШ маъмуриятига авиаҳалокат қурбонларининг қариндошлари орқали етиб борган.

С. РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЖАНУБИЙ АФРИКА ОЧАРЧИЛИК ЁҚАСИДА

Халқаро ҳамжамият Африка жанубидаги қатор мамлакатларда ҳукм сураётган очарчиликдан ташвиш билдирди. Ангола, Малави, Зимбабве, Замбия, Ботсвана, Мозамбик, Намибия ҳамда Конго демократик республикасида юз берган табиий офатлар, фуқаро урушлари минтақада озиқ-овқат танқислигига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида Африка жанубида 19 миллион киши очарчилик билан юзма-юз қолди.

Мутахассисларнинг фикрича, Малави, Зимбабве ва Замбияда аҳвол жуда оғир. Бу мамлакатларда меъёрдан кўп ёққан ёмғирлар тошқинларга сабаб бўлган. Натижада ўзанидан тошиб чиққан дарё сувлари экин майдонларини ювиб кетди. Анголада бир неча ўн йилдан буён давом этаётган фуқаролар уруши эса юз мингдан ортиқ одам учун очарчилик хавфини туғдирмоқда.

Малавидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Мамлакат жанубида яшаётган уч миллиондан зиёд одам очликдан азоб чекаётир. Мамлакатнинг 27 вилояти сув тошқинлари ва қурғоқчиликдан катта зарар кўрган. Вазиятни ўнглаш учун бу давлатга етти юз минг тоннадан зиёд озиқ-овқат етказиб берилиши лозим бўлади.

Зимбабведа бўлиб ўтган талотўплар ва сиёсий беқарорлик одамларнинг деҳқончилик билан шуғулланишига имкон бермади. Мамлакатнинг жанубий ва ғарбий вилоятларида вазият янада аянчли. Кузатувчилар Зимбабведа бу йилги ҳосил кутилгандан анча кам бўлишини айтмоқда. Табиат инжиқликларидан Замбия ҳам четда қолгани йўқ. Бу мамлакатда апрель ойининг ўрталарида ҳосил йиғиштириб олиниши керак эди. Бироқ бевақт келган ёғингарчилик катта зарар келтирди.

Мозамбик икки йилдан буён сув тошқинларидан азият чекиб келади. Бу йил эса, аксинча, ёғингарчилик жуда кам бўлди, экин майдонлари қуриб қолди. Натижада очлик балоси юз мингга яқин киши ҳаётига хавф солаётир. Конго демократик республикасида ҳам вазият жуда кескин. Мамлакат шарқида давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар одамларнинг тинч ҳаёт кечиришига халал бермоқда.

Жаҳон озиқ-овқат дастури мутахассисларининг таъкидлашича, Африка мамлакатларида юзага келаётган очарчиликда фақат табиий офатни айблаш хато бўлади. Баъзи мамлакатларда ҳукумат юритаётган нотўғри сиёсат ва иқтисодий қийинчиликлар ҳам вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлаётир.

Мутахассислар фикрича, минтақада очарчиликнинг олдини олиш учун уч миллион тонна озиқ-овқат керак. Шунингдек, мазкур мамлакатларда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши лозим. Чунки ҳокимият учун бўлаётган сурункали курашлар бу мамлакатларни хонавайрон қилиб бўлди.

А. ТУРАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● ЕШ САНЪАТКОР БИЛАН МУСОҲАБА

УНИНГ ЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ БОР

Қўшиқ — қудратли кучга эга. У инсон руҳиятига таъсир қилиб, бутун ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Бунга кўплаб мисоллар мавжуд. Таниқли хонанда Сосо Павлиашвилига келган бир мактубда Мария исмли аёл ўз жонига қасд қилиш пайида бўлгани ва лекин хонанданинг «Мен билан бирга куйла» қўшиғини тинглагандан сўнг фикридан қайтгани, ҳаётида тубдан ўзгариш юз берганлигини ёзган. Ҳа, ҳақиқатан ҳам қўшиқ мўъжизавий кучга эга.

Ўзбек эстрадасига ҳам ўзининг овози, йўналишига эга бўлган кўплаб ёшлар кириб келмоқда. Қўшиқ шинавандаларига бир олам завқу шавқ улашмоқдалар. Ана шундай хонандалардан бири Ёқутжон Ражабовдир. Ёқутжон билан суҳбатимиз ўзбек қўшиқчилиги, эстрада соҳасидаги изланишлар хусусида бўлди.

— Ёқутжон, сиз Чегарачилар билим юртини битказган экансиз ва шу соҳада фаолият кўрсатиб келаётирсиз. Аслида сизни қўшиқ шинавандалари фақат хонанда, деб ўйлашади. Катта лейтенант сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасида хизмат этаётганингизни эса кўпчилик билмаса керак?

— Ҳақиқатан ҳам мухлисларимнинг баъзилари бундан бехабар. Бутунлайин бошқа соҳада бўлишимга қарамасдан, қўшиқ куйламасдан туролмайман.

— Ҳарбий хизмат ва хонандалик фаолиятингиз бир-бирига халал бермайдими?

— Аксинча, бир-бирини тўлдиради. Ёшлигимдан ҳарбийликка қизиққан бўлсам, қўшиқ юрагимда тугилади. Мана, масалан консерваторияни битириб чиқаётганларнинг ҳаммаси ҳам қўшиқчи бўлаётгани йўқ-ку? Мухлисларга манзур бўла оладиган қўшиқ куйлаш учун Оллоҳ берган истеъдод бўлиши керак ва уни хонанда мунтазам ардоқлаб, сайқаллаштириб бориши лозим. Шундагина у ўз мухлисларига эга бўлади. Мухлиси бўлмаган хонанданинг бу соҳада юриши бефойда.

— Мана, сиз нозиктаъб мухлисларига эга бўлган хонандасиз. Бундай мартабага эришишнинг ўзи бўлмаса керак?

— Албатта... Ҳаётнинг ўзи бир қўшиққа ўхшайди. Инсон қалбига ҳамоҳанг, унинг дилидаги нарсаларни созга солиш учун ҳаётни кузатиш керак. Мен атрофимга назар ташлайман: одамлар нима билан банд, уларни нималар ҳаяжонга солади, юракларида қандай дардлар бор — шуларни топиб куйлаган хонанда доимо мухлислар эътиборида бўлади.

— Муҳаббат — умрбоқий мавзу. Сизнинг дастурингизда ҳам «Парвонанг ўзим», «Ёр кетасиз», «Нозлигим», «Муҳаббатга ошно қалблар» ва бошқа азалий мавзуга бағишланган қўшиқлар мавжуд. Шундайин тингловчилар қалбига яқин қўшиқларни куйлаган хонанданинг муҳаббат ҳақидаги фикрларини билишни истардик?

— Халқ оғзаки ижодига мансуб қўшиқларда ҳам муҳаббат мавзуси, икки қалбнинг бир-бирларига ошуфталиги нафис шаклда акс эттирилган. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарларида муҳаббатни меъёрига етказиб изоҳлаб кетганлар. Асрлар оша бу муҳаббат тараннуми инсонларни ҳаяжонга солиб келади. Мен ҳам бу мавзуда қўшиқ айтганимда ўзгача ҳислар оғушида қоламан. Чунки, муҳаббат ҳаётнинг ўзагини ташкил этади. Қисқа қилиб айтганимда, агар дунёда севги деб аталмиш маъво бўлмаганда ҳаёт жуда ғариб бўларди.

— Мухлислари эътиборидан тушиб кетмаслиги учун хонанда нима қилиши керак?

— Қизиқ ва лекин тўғри савол бердингиз. Биринчи галда ижрочининг ўз қўшиқлари бўлиши лозим. Бошқаларникига ўхшамайдиган усулдаги қўшиқ билан саҳнага чиққан хонанда ҳеч қачон мухлислари назаридан қолмайди. Бунинг учун эса тинимсиз изланиши, мусиқага ҳамоҳанг бўлган шеърлар ахтариши лозим. Мен кўп ўкийман, бўш бўлдим дегунча китобни ўзимга ҳамроҳ қиламан. Ана ўша китоблардан ҳам ҳаётни, инсонга бир маротаба берилувчи умрни қандай ўтказиш кераклигини ўрганади инсон.



— Сиз куйлаган «Шу азиз Ватан барчамизники», «Чегарани сақлаймиз», «Алпомиш авлодимиз», «Қўмондонлар», «Ватан остонадан бошланади» каби қўшиқларингиз анчайин машҳур бўлди ва «Аскар қўшиқлари», «Ўзбекистон — Ватаним манim» ва бошқа танловларда совринга лойиқ кўрилдингиз...

— Биласиз, Ватан энг муқаддасдир. Тарихга назар ташласак, шу азиз Ватан учун не-не бобокалонларимиз ўз жонларини фидо қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўша Тўмарис даврида айни кунгача озодлик, мустақиллик, ҳур яшаш учун кураш кетган. Қулликдан ўлимни афзал билганлар. Инчунин Ватан, Ҳуррият мавзусида куйлаш хонандадан катта масъулият талаб этади. Шунчаки енгил-елпи қўшиқ билан саҳнага чиқишни уят деб биламан. Сиз юқорида тилга олган қўшиқларимни йиллаб тайёрлаганман. Ҳар бир сўзи, ҳар бир айтадиган фикрини юрагимдан ўтказиб шунга мос, ана ўша матн замиридаги айтилмоқчи бўлган гапларни тингловчиларга маромида етказиб берувчи куй излаганман. Натижаси ёмон бўлмади. Тингловчилар концертларимда шу қўшиқларимни куйлашни илтимос қилишганда тўлқинланиб кетаман. Меҳнатларим зое кетмаганлигидан қувониб, тўлиб-тошиб куйлайман.

— Мен пойтахтимиздаги катта саройларда концерт берганингизда бир неча бор концертларингизда бўлганман. Сизнинг чиқишларингиз томошабинлар билан ҳамоҳангликда ўтади. Қўшиқ орқали мулоқот қилаётгандай ҳислар оғушида бўлади, киши...

— Ҳар бир қўшиқ — ҳаётнинг бир парчаси. Мен концертларимга алоҳида тайёргарлик билан чиқаман. Завқли қўшиқларимни юракдан ўйнаб куйласам, фалсафий ашулаларимни замиридаги дардни ҳис этиб ижро этаман. Қўшиқ матнига мос нанд ҳолатда бўламан. Агар куйлаётган қўшиғингизга ҳос ижро услуби, ҳолатини топа олмасангиз, тингловчи чалгийди, сизни эшитмай қўяди.

— Мухлисларингиз ҳақида фикрингиз?

— Ўзбек халқидай мухлисни бутун дунёда топиб бўлмаса керак. Қўшиқ тайёрлаганимда тингловчиларим кўз ўнгимда гавдаланади. Шунда янада гўзал қўшиқлар билан саҳнага чиқишим лозимлигини ҳис этаман. Концертларимни кузатар бўлсангиз, шўх-шодон қўшиқлар куйлаганимда кўплар рақс тушиб кетишади, бу хонандага илҳом бағишлайди. Маҳзун ашулаларда эса сув қуйгандай осойишталик чўкади. Демак, тингловчилар шу қўшиқ замиридаги айтилаётган сўзларни юрагидан ўтказмоқда. Бундайин шинавандалар учун ҳар қанча куйласанг оз, ҳар қанча гўзал қўшиқлар тақдим этсанг ҳам кам.

— Айни кунларда нималар билан бандсиз?

— Яқинда французларнинг бир фильмини кўрдим, шунда ҳеч нарсага кўнмай турган бош қаҳрамонга қарата: «Франция учун!» деганда ўзини алангага отади, жанг майдонига киради. Унга қарата айтилган шу биргина сўз душманнинг найзасидан ҳам устун туради. Ватанни севиш туйғусини ижодкорлар халқимизга етказиши керак. Юқорида айтиб ўтдик, қўшиқ қудратли куч деб. Мана шу беқиёс мўъжиза орқали Ватанни севиш, ҳар бир қаричини муқаддас билишга ёшларни чорлашимиз лозим. Шу мақсадларимиз йўлида «Ватан муқаддасдир» деб номланган янги дастур устида ишлаяпмиз. Ундан юрт ҳақидаги янги қўшиқларим ўрин олган. Бу борада менга шоирлардан Ҳалима Аҳмедова, Туроб Ниёз, Баҳром Ғойиблар яқиндан ёрдам беришмоқда.

— «Ватанпарвар» муштарийларига тилакларингиз?

— «Ватанпарвар», асосан Ватан посбонларининг севимли газетаси. Шу билан бирга, ҳарбийларнинг оила аъзолари, шу соҳага иштиёқманд ёшлар ҳам мазкур нашрни қизиқиб ўқишади. Айни вақтда ҳарбийликка — ирода, матонат, зарур пайтида жасорат талаб этадиган касбга ихлос кучли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шуларни назарда тутган ҳолда мен «Ватанпарвар» муштарийларига энг эзгу тилакларимни билдираман. Аввало, оилалари тинч бўлсин. Оллоҳ ҳар бирини мурод-мақсадига етказсин. Ҳеч кимнинг кўзида қайғу ёшлари ҳалқаланмасин. Зотан, юраги жўшқин, руҳи хотиржам кишигина қўшиқ тинглагиси келади. Энг муҳими, серқуёш Ўзбекистонимизга қасд этганлар паст бўлсин, дейман.

С. СИРОЖИДДИНОВ суҳбатлашди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
Умумҳарбий низомларни ўрганамиз

ҲУРМАТЛИ ОФИЦЕРЛАР, АСКАРЛАР! АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти ташкил этган «Умумҳарбий низомларни ўрганамиз!» танлови ўз билимингиз, имкониятингизни синовдан ўтказиш, магнитофон, радиоприёмник, қўл соатлари каби қимматбаҳо совға, рағбатлантирувчи мукофотларни қўлга киритиш учун ажойиб имконият. Имкониятни ҳақиқатга айлантириб, голиб бўлинг! Танлов Ватан ҳимоячилари куни арафасида якунланади.

Тўпланган баллар ой, квартал давомида мунтазам ҳисоблаб борилади. Тест саволларини қирқиб, тўғри жавобларни белгилаб, редакция адресига жўнатаётганингизда исмингиз, фамилиянгиз ва манзилингизни тўлиқ кўрсатишни, конвертга «Танловга» деб ёзишни унутманг! Ҳар бир белгиланган тест жавоби рўпарасида фойдаланилган Низом ва унинг моддаси аниқ кўрсатилиши шарт.

Танловда фаол қатнашинг, омад сизга ёр бўлсин!

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Навбатдаги посбонга нималар ман этилади?

А Б ва С жавоблар тўғри.
Б Взвод бўйича навбатчининг рухсатисиз бирор жойга бориш.
С Ўтириш, анжом-аслаҳасини ечиш ва кийимининг тугмасини ечиш.

2. Машиналарни паркдан олиб чиқиб кетиш учун келган экипаж (ҳайдовчи)ларнинг кириш тартиби қандай?

А Офицер раҳбарлигида, саф тортиб.
В Шахсий гувоҳнома ва саф билан.
С Йўл варақаси бўйича.

3. Бир ножўя хатти-ҳаракати учун бевосита айбдорларни жазолаш ўрнига бутун шахсий таркибга интизомий таъзир қўлланиладими?

А Бригада командирининг рухсати билан мумкин.
В Ҳа.
С Йўқ.

4. Интизомий таъзирлар қачон ижро этилади?

А Зудлик билан ва фавқулодда ҳолатларда 1 ой ичида.
Б 10 кун ичида.
С Бригада командири белгилайди.

5. Бир иш нарядининг вақти суткада қанча?

А 4 соатдан ошмайди.
В 1 кун.
С 7 соат.

6. Қоровул таркибида тарқатувчиларнинг сони нечта бўлади?

А Ҳар бир тарқатувчи кўпи билан 5 соқчи тарқатиши ёки қоровулни навбатга олиб бориб қайтиш 1 соатдан кўп вақт олмаслиги керак.
В Ҳар бир тарқатувчига 5 соқчи ва тарқатиш вақти 45 минутдан кўп эмас.
С Камида 3 та.

7. Нарядга кираётган кун қоровул шахсий таркибига тайёрланиш учун қанча вақт берилади?

А 1 соат.
В Камида 4 соат.
С Камида 3 соат.

8. Қоровул таркибидан бирортаси ўзига юкланган мажбуриятни бажармаса ёки бирор ножўя иш қилса, қўлланиладиган таъзир чоралари нима?

А Дарҳол қоровул бошлиги зарур чораларни кўради ва ҳарбий қисм бўйича навбатчига хабар беради.
В Дарҳол қоровул бошлиги таъзир чорасини кўради.
С Унинг ножўя иши таҳлили бўлинмада ўтказилади.

9. Қанотлар ўртасидаги масофа нима деб аталади?

А Сафнинг эни.
В Сафнинг бўйи.
С Шеренга.

10. Ҳарбий хизматчилар ва бўлинмалар низом ёки командир белгилаб қўйган оралиқ масофани сақлаган ҳолда олдинма-кейин турадиган саф нима дейилади?

А Интервал.
В Дистанция.
С Колонна.

ЖАВОБ БЕРУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР:

1. Ҳарбий унвони, фамилияси, исм-шарифи: _____

2. Манзили: _____

3. Таклифлар: _____

Тест саволларини подполковник Н. ГУЛБОЕВ тайёрлаган.

● 5 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Табиатга дахл қилсак...

Халқаро сана ўз номи билан айтиб турибдики, атроф-муҳит ҳимояси билан боғлиқ муаммо бугун глобал аҳамият касб этмоқда. Роппа-роса 30 йилдирки, дунё ҳамжамияти мазкур санани нишонлаб келаётир. Яъни, ушбу халқаро кунга асос солган Стокгольмдаги атроф-муҳит муаммолари бўйича БМТ конференциясига 30 йил тўлаяпти.

Очиғи, атроф-муҳит, экология билан боғлиқ муаммолар кейинги пайтларда тез-тез кун тартибидан ўрин эгаллайдиган бўлди. Негаки, табиатга етказаётган зарларимиз сўнгги вақтда бўй кўрсатиб, бизни кутилиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан огоҳ этмоқда. Шу маънода олиб қараганда, БМТ фаолиятининг дастлабки йилларида мазкур йўналишдаги муаммолар жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборидан четда қолиб келаётганди. Қолаверса, ўтган асрнинг 70-йилларига бориб тараққиёт изчил йўлга тушиб олди. Фан-техникадаги оламшумул ўзгаришлар сайёрамиз экологиясига дахл сола бошлади.

1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Рио-де-Жанейрода чақирилган Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув атроф-муҳит ҳимояси йўлида глобал ҳамкорлик пойдеворини ўрнатди, десак хато бўлмайди. Унда барқарор тараққиётни таъминлаш учун иқтисодий ривожланиш билан бирга атроф-муҳит муҳофазасига ҳам эътибор қаратиш долзарб аҳамият касб этиши эътироф этилди. Анжуманда муҳим тарихий ҳужжат — Рио декларациясининг қабул қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Шунингдек, барча турдаги ўрмонларни бошқариш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш глобал конценсуси тамойиллари тўғрисидаги баёнотнинг қабул қилингани ҳам муҳим қадамлардан бири бўлди. Унда, жумладан, қуйидаги қоидалар мужассамлашган:

— барча мамлакатлар, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар ўрмонларни тиклаш ва ўрмон бойликларини муҳофаза этиш йўли билан дунёни кўкаламзорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини кучайтиришлари лозим;

— давлатлар ўзларининг барқарор тараққиёт миллий йўналишлари талабларини бажаришларида ўз иқтисодий-иқтисодий эҳтиёжларига эгадирлар.

Олий даражадаги учрашувдан 5 йил ўтиб, Бош Ассамблея «Кун тартибида — XXI асрга ташриф» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши борасида махсус сессия ўтказди. Бунгача тақдим этилган ЮНЕП (БМТ Атроф-муҳит дастури) ташкилоти вакиллари маърузасида глобал экологик вазият янада ёмонлашаётгани, атроф-муҳит муаммолари мамлакатларнинг иқтисодий-иқтисодий тизимлари билан мустаҳкам чатишиб кетаётганлиги айтиб ўтилди. Жорий йилнинг 26 августидан 4 сентябрига қадар Африканинг Иоханнесбург шаҳрида олий даражадаги учрашув бўлиши кутилмоқда. Табиийки, кун тартибидаги бош мавзу — барқарор тараққиёт, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, унда 2500 дан зиёд турли амалий тавсияномалар кўриб чиқилади. Булар орасида атмосфера, океанлар муҳофазаси, биорангбаранглик кабилар муҳим ўрин тутади.

«Биз битта сайёрада яшаяпмиз. Ҳаётимизни бир-бирига нозик ва мураккаб тармоқлар орқали боғланган экологик, иқтисодий ва маданий муносабатлар белгилаб беради. Барқарор тараққиётга эришиш сайёрамиз ҳаётига, инсоният ҳамжамиятидаги ҳар бир инсон, келажак авлод тақдирига боғлиқ бўлган экотизим олдидаги масъулиятимизни талаб этади. Иоханнесбургдаги олий даражадаги учрашув янада барқарор келажак яратиш йўлларини излашимизга имконият яратади», деган эди БМТ Бош котиби Кофи Аннан.

Юқоридаги айтилганлардан балким хулоса чиқариб улгургандирсиз. Ҳа, атроф-муҳитни глобал муҳофаза қилишнинг истиқболли йўлларини топмас эканмиз, табиат инсониятга гоҳ қурғоқчилик, гоҳ саҳрога айланиш, гоҳ яна қандайдир офат орқали таъсир ўтказаверади.

Капитан А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Болажонлар яйрашди

Ҳарбий шаҳарчадаги 37-болалар боғчасида Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб тадбир ўтказилди. Ҳарбийларнинг жажжи кичкинтойлари байрам баҳона билим, иқтидор ва жисмоний тайёргарликларини кўрсатишди.

Барча гуруҳдаги болажонлар ўртасида ўтказилган «Менинг дунём» номли суратлар кўргазмасини кузатган киши эртамиз давомчиларининг дунёқараши, фикрлаши қай даражада ортиб бораётганини ҳис қилади.

Шундан сўнг «Офарин» номли қувноқ стартлар мусобақасига навбат берилди. Кичкинтойлар байрамга бағишлаб ёдлашган шеърларини айтиб беришди. Айниқса, тарбияланувчилардан Д. Шоҳназарова, А. Тўраев, Ф. Аминов, В. Пак, А. Жумаохуновлар устоз-мураббийларининг юзларини ерга қаратишмай, ўз маҳоратларини намоён этдилар.

Д. Матёқубова, Т. Сорокина, З. Эргашева сингари ота-она ходимларидан иборат ҳайъат аъзолари болаларнинг байрам чиқишларини баҳолаб боришган бўлса, Н. Ғуломова, Л. Вахминцева каби тарбиячилар фарзандларни тадбирнинг ажойиб ўтиши учун пухта тайёрлашган.

Байрамнинг иккинчи қисми ҳарбий қисмда давом этди, десак хато қилмаймиз. Қисм хотин-қизлар кенгаши раиси Ф. Умарова ташаббуси билан ҳарбийларнинг мактаб ва боғча ёшидаги бир гуруҳ фарзандлари посбон акалари ҳузурига боришди. Уларнинг ҳаёти, жанговар фаолияти билан танишувлар сўнг мазкур жамоанинг ўзида спорт мусобақалари бошланади. Мусобақада нафақат болажонлар, балки аскарлар ҳам иштирок этишди. Яъни, Ватан ҳимоячилари ўзларининг турли кўргазмали чиқишлари, спорт мусобақалари орқали укаларини байрам билан қутлашди. Дарвоқе, бу ерда ҳам ҳарбийлар фарзандларидан Ф. Умаров, А. Орлова, Д. Зудиловлар намуна кўрсатишди.

Қисм қўмондонлиги фаол, илғор болажонларга Фахрий ёрлиқ ва вимпеллар топширди. Мазкур тадбирнинг қизиқарли ўтишида қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор А. Ҳакимовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

СКАНВОРД



Тузувчи: Акрамжон Хўжамов

● ФУТБОЛ: ЧЕМПИОНАТ МИРА-2002

„ОСЕЧЕК“ БОЛЬШЕ НЕ БЫЛО

Фаворитов мирового первенства настолько насторожила стартовая неудача французов, что все они провели первые матчи очень осторожно и собранно.

В группах А, Б, Е и Ф прошли игры первого круга, дав возможность увидеть в деле все сборные. Начнем с группы А — здесь полновесные три очка вслед за Сенегалом набрали датчане. На два гола Томассона (45, 83) уругвайцы ответили лишь голом Родригеса (47).

В группе Б пока в лидерах сборная Испании, обыгравшая Словению со счетом 3:1. Голы на счету Рауля (44), Валерона (74) и Иерро (87, пен.), а у соперника отличился вышедший на замену Семиротич (82). Парагвай вел по ходу встречи с ЮАР с разницей в два мяча — забили их Санта Круз (39) и Арсе (55). Но южноафриканцы сумели уйти от поражения благодаря голам Макуна (63) и Форчуна (90, пен.). Последний, кстати, реализовал первый пенальти турнира.

Группу Е возглавили футболисты Германии, устроившие разгром Саудовской Аравии в виде восьми безответных мячей. Причем, пять из них забиты головой — три на счету Клозе и по одному у Баллака и Линке. По голу забили Янкер, Бирхоф и Шнайдер. Особенно красив был гол Шнайдера со штрафного в обход стенки. Их соперники по группе Ирландия — Камерун сыграли вничью — на гол Мбома (39) ответил Холланд (52).

В «группе смерти», как именуют группу Ф, первый шаг к выживанию сделала Аргентина, обыграв Нигерию за счет единственного гола Батистуты (63). А Англия и Швеция сыграли вничью — на гол Кэмпбелла (24) ответил Александерсон (59). Англичан подвела осторожность, да и сказалось отсутствие во втором тайме Бекхэма — неокрепший после травмы плеймейкер был заменен. Откровенно отдав середину поля, британцы едва не проиграли и матч.

Майор А. КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

В понедельник вступили «в бой» еще две группы. Результаты матчей: Хорватия — Мексика — 0:1, Бразилия — Турция — 2:1, Италия — Эквадор — 2:0.

Этот пестрый мир

БУКИНГЕМСКИЙ ДВОРЕЦ СООБЩИЛ...

В Великобритании было объявлено, что королева-мать, скончавшаяся в марте в возрасте 101 года, оставила все свое состояние королеве Елизавете Второй. Подробности завещания не будут опубликованы позже, однако Букингемский дворец сообщил, что королеве Елизавете достанутся произведения искусства, содержимое домов и скаковые лошади королевы-матери. По недавно принятому законодательству, направленному на сохранение королевского состояния, все наследство, помимо завещательных надписей в пользу прислуги королевы-матери, налогом не облагается. В британских СМИ прозвучала критика нового законодательства, а также недовольство по поводу столь ограниченной информации о содержании завещания королевы-матери.

ОТСТРЕЛ КЕНГУРУ

Снайперы в Австралии вскоре начнут отстрел 15 тыс. кенгуру на военной базе в Пакапуньяле (100 км к северу от Мельбурна) площадью 44 тыс. га. «Мы ожидаем, что 15 тыс. кенгуру будут уничтожены в течение нескольких недель или месяцев», — заявил Колин Триндер, глава управления министерства обороны по природным ресурсам.

«Существуют правила отстрела кенгуру. Обычно кенгуру стреляют в голову или в сердце и затем убеждаются в том, что они мертвы», — сказал Триндер. По его словам, популяция кенгуру в Пакапуньяле будет постепенно сокращена со 100 тыс. до 40 тыс. животных.

САМАЯ СТАРЕЙШАЯ...

В Грузии скончалась старейшая женщина страны — Нино Стуруа. Согласно сохранившемуся у нее свидетельству о рождении, Стуруа было 119 лет. У нее было 8 детей и 24 внука.

(По материалам печати).

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-06-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0207.